



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 12 - Mart

4450 -son

Bog‘ot shaharchasi

Марҳум Сабиров Хўсин Фарходовичнинг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида яшовчи фуқаро Сабиров Муборак Рузибаевнинг марҳум турмуш ўртоғи Сабиров Хўсин Фарходовичнинг “Гулшан” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 15 январдаги ШЯ-С-158-сонли аризасини, “Гулшан” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 14 январдаги 65-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 90,72 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 77,80 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 168,52 квадрат метр, қурилиш ости майдони 218,84 квадрат метр, умумий ер майдони 1335,52 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан марҳум Сабиров Хўсин Фарходовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Марҳум Сабиров Хўсин Фарходовичнинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон

Республикаси "Ер кодекси"нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуки тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Сабилов Хўсин Фарходовичнинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**